



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, қардош Қозоғистоннинг раҳбарияти ва халқини тарихий сана — Қозоғистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан яна бир бор самимий табриклади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида қарор топган ва чуқур тарихий илдизларга эга ишончли ва самарали муносабатлар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб бериши ва ўзаро ҳамкорлиқнинг барча йўналишларида бүгун жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Қозоғистон ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарига ва Ўзбекистон халқига Президент Нурсултон Назарбаевнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромини етказди.

Ерлан Идрисов давлатимиз раҳбарини Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор муваффақиятлар билан қутлади.

Учрашувда мамлакатларимиз яқин қўшни ва вақт синовидан ўтган ҳамкорлар сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистонда, бутун Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт ва фаровонликдан бирдай манфаатдор экани қайд этилди.

Шу нуқтаи назардан, Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибига муваққат аъзо этиб сайлангани ва бу Ўзбекистон томонидан кенг қўллаб-қувватлангани Марказий Осиё давлатлари манфаатларини глобал миқёсда ҳимоя қилиш учун янги имкониятлар яратди.

Сўхбат чоғида томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига оид, авваламбор, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорлиқнинг барча йўналишлари юзасидан атрафли фикр алмашди. Хусусан, савдо соҳасида йирик шериклар бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтириш, бу борадаги барча имкониятларни ишга солишга тайёр экани таъкидланди.

Томонлар икки ва кўп томонлама серкирра ҳамкорлиқнинг бугунги даражасидан, мамлакатларимиз ҳукуматлари, ҳўжалик субъектлари ва ҳудудлари ўртасидаги алоқаларнинг фаоллигидан мамнуният билдириб, Абдий дўстлик ва Стратегик шериклик тўғрисидаги давлатлараро шартномалар руҳида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этдилар.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

2016 йил 23 декабрь куни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилояти ўзининг географик жойлашуви, табиий иқлим шароити, иқтисодий, кадрлар салоҳияти билан мамлакатимизнинг тарихи ва бугунги ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Жиззах туманини Шароф Рашидов тумани деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилганини айтди.

Мустақиллик йилларида вилоят ҳар томонлама ривожланди, унинг шаҳар ва қишлоқлари янада обод бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди. Худудда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 2013 йилда ташкил этилган «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида ўтган давр мобайнида қиймати 76 миллион долларлик 14 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Ҳозирги кунда ушбу ҳудуддаги корхоналарда автомобиллар учун тормоз қолдаси, плазмали телевизорлар, музлатгич, электр печи, кир ювиш ва тикув машиналари, гилам, полипропилен ип каби юқори технологияларга асосланган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Сессияда асосий эътибор Жиззах вилоятида амалга оширилиши зарур бўлган масалаларга қаратилди.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз ечимини қутаётган муаммо ва масалалар анчагина. Бундай

ҳолат, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида яққол кўзга ташланмоқда, деди Президентимиз. Жорий йилда вилоятда давлатга ғалла ва пахта сотиш шартнома мажбуриятлари бажарилмади. Оқибатда 37 минг тонна ғалла, 26 минг тонна пахта давлат эҳтиёжи учун етказиб берилмади.

Вилоятнинг аксарият туманларида чет эл инвестициясини кенг жалб қилиш, ташқи бозорга чиқиш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида камчиликларга йўл қўйилмаётган. Саноат корхоналарини модернизация қилиш ва технологик янгилаш, озиқ-овқат, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил қилиш, қурилиш соҳасини ривожлантириш борасидаги муаммолар ҳамон баргараф этилмаган.

Президентимиз қишлоқларда саноатни ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар барпо этиш билан аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари қониқарсиз эканини алоҳида қайд этди. Хусусан, Арнасой, Зафаробод, Зарбдор, Янгиобод, Ғаллаорол туманларида янги саноат корхоналари деярли қурилмаётган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишдаги сусткашлик, янги корхоналарни ишга тушириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ижроси талаб даражасида эмас.

Вилоятнинг барча туманларида аҳолини иш билан, яъни даромад билан таъминлаш имкониятлари мавжуд. Масалан, Зомин туманида доривор ўсимликлардан фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг

катта манбаи мавжуд бўлатуриб, бу имкониятдан етарли фойдаланилмапти. Бунга ўхшаш мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Келгуси беш йилда вилоятда экспорт ҳажминини камида 2 баробар, экспортчи корхоналарни 2,7 марта кўпайтириш, экспортда улуши паст бўлган туманларнинг бу борадаги натижаларини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва модернизация қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Сайфиддин Исмоилов Жиззах вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси департаменти мудирлиги вазифасида ишлаб келаётган Улуғбек Узоқов Жиззах вилояти ҳокими этиб сайланди.

Арнасой тумани ҳокими Э.Солиев, Зарбдор тумани ҳокими И.Бобононов, Жиззах шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Эшматов ва бошқалар Президентимиз нутқида Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳар томонлама таҳлил этилиб, истиқболдаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш ва вилоятни янада обод этиш учун астойдил меҳнат қилишини таъкидлади.

М.ЭЛМУРОВО,
ЎЗА махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

У.Й.УЗОҚОВНИ ЖИЗЗАХ
ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ
ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Улуғбек Йўлдошевич Узоқов Жиззах вилоятининг ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

С.У.ИСМОИЛОВНИ ЖИЗЗАХ
ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ
ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ: Сайфиддин Умарович Исмоилов Жиззах вилоятининг ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Г.МЕЛЬНИКОВАГА
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ
УНВОНINI БЕРИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясидаги кўп йиллик самарали ижодий фаолияти, диққатли санъатини ривожлантириш, халқимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Галина Витальевна Мельниковага «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 декабрь

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЮРТГА ХИЗМАТ
ҚИЛАМАН,
ДЕГАН ДЕПУТАТ

Энг аввал ўз
сайловчилари билан
мулоқотда бўлади

Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз томонидан депутатлар, парламент фаолиятини кучайтириш бўйича билдирилган танқидий-тахлилий фикр-мулоҳазалар яна бир бор ўрганиб чиқилди. Шу асосда фракция фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашга доир тақлифлар, хулосалар билдирилди.

Йиғилишда, аввало, мамлакатимизда парламент ислохотлари изчил амалга оширилаётгани, давлат бошқарувини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни, ваколатлари кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

САХОВАТЛИ ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ҚУТ-БАРАКА, ТЎЙУ ТАНТАНА

Қашқадарё вилоят аҳлининг Ҳосил байрамидан репортаж



17 декабрь, шанба куни. Соат тонги еттидан энди-энди ўта бошлаган палла. Изғирин. Совуқ ёмғир томчилари юзга урилади. Қир-адирлар оралоаб ўтган йўл тўғри Калкама сув омборига етказди. Узоқдан Зарафшон тизма тоғларининг оппоқ қор қоплаган чўққилари кўзга ташланади...

КЕНГЛИКЛАР ҚЎШИҒИ

Кенгликларнинг адоғи кўзга илинмайди. Бепоев. Хайиткул номли қишлоққа бориб боғладиган қир-адирлар бағрида чиқоқчилар эзгу ният билан «Наврўз сайилгоҳи» барпо этишибди. Қамровини ҳам айтишди — 92 гектар. Шунча майдонда саноғини бирдан

айтиш қийин бўлган ўтов ва замонавий чодирлар тикланибди, дош-қозонлар қайнаб ётибди. У қирдан бу қирга пойи-пиёда ёки от чоптириб ўтаётганлар жуда кўп эди.

Мен ҳам юриб, энг баланд тепалардан бирига чиқдим ва яқинда халқ сайлаган раҳбаримизнинг Биринчи Президентимиз ҳақида айтган ушбу гапларини ҳаёлимдан ўтказдим: «У киши бу воҳани



бехисоб бойликлар кони бўлган Ўзбекистон хазинаси деб таърифлар, Қашқадарё аҳлини эса ҳар қандай шароитда ҳам ишонса бўладиган, меҳр-оқибат, одамийликни жойига қўядиган, баркикенг ва жасоратли эл сифатида ўзининг ҳақиқий маслакдошлари деб биларди...

Бу сўзлар ҳар бир қашқадарёлик учун олтиндан қиммат. Истиқлол йилларида воҳа гуллаб-яшнади, тараққий топиб, мамлакатнинг қудратли таянчига айланди. Айни пайтда вилоят мамлакат миқёсида табиий газнинг 70 фоизини, нефтининг 78 фоизини, газ конденсатининг 80 фоизини, ғалланинг 13 ва пахтанинг 14 фоиздан зиёдини тайёрлаб бермоқда.

Ҳар йилнинг ўз сарҳисоби ва

йўллари бор. Хусусан, деҳқончилик ҳамиша бирдек бўлиши қийин. Бу об-ҳавонинг келиши, тупроқ унумдорлиги, сув таъминоти каби кўплаб омилларга чамбарчас боғлиқ. Ростига қўнса, бу йил анча мураккаб келди. Шунга қарамай, воҳа деҳқонлари ғалла шартномасини ошириб адо этишди. Очиги, пахта етиштириш ҳам, териб олиш ҳам ҳамиша машаққат. Бу йил 157 минг 200 гектар майдонда деҳқончилик қилинди. Жаҳон бозорида юқори баҳоланадиган пахтанинг «Бухоро-6, 8, 102» навлари қатори яна ўндан ортиқ янги хили, жумладан, 5 минг гектарга «Порлок» нави ҳам экилди. Натижада вилоят шартнома режасини ошириб адо этди. Агар шу кунгача етиштирилаётган пахта толасининг 8-10



фоизи вилоятнинг ўзида қайта ишланаётган бўлса, келажақда бу кўрсаткич камида 40 фоизга етати. Вилоятда бошқа соҳалар ҳам жадал ривож топмоқда, истиқбол режалари тузилмоқда. Масалан, келгуси беш йилликда вилоятда гўшт етиштириш 1,3, сут 1,5, тухум 1,8, картошка 1,6, мева ва узум 1,4, сабзавот 2 ва балиқ 2 баробардан кўпроқ ортиши кутилди. Катта режаларнинг пойдевори ҳозирдан қўйилмоқда. Бу маҳсулотларни сақлаш учун совутич-омборхоналар, қайта ишлаш корхоналари бунёд этилаёпти. Биргина Шаҳрисабз туманида 30 дан ортиқ кичик корхона гўшт-сутни қайта ишлаб, аҳоли дастурхонига етказиб бераёпти...

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА

■ Парламент назорати кучайиши қонунларни ҳаётга тўла-тўқис жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг вақтида, самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН, ДЕГАН ДЕПУТАТ

энг аввал ўз сайловчилари билан мулоқотда бўлади

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламентнинг таъсир кучини ошириш долзарб аҳамиятга эга. Шу боис демократик ислохотларни янги ва янада юқори босқичга кўтариш, парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан кучайтириш, қонун ижодкорлигини тақомиллаштириш, парламент назоратининг сифатини ошириш, депутатларнинг сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлишини таъминлаш бүгунги куннинг талабидир.

Президентимизнинг Конституция-миз кўнига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузаларида бу борадаги асосий вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз томонидан депутатлар, парламент фаолиятини кучайтириш бўйича билдирилган танқидий-тахлилий фикр-мулоҳазалар яна бир бор ўрганиб чиқилди. Шу асосда фракция фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашга доир тақлифлар, хулосалар билдирилди.

Йиғилишда, аввало, мамлакатимизда парламент ислохотлари изчил амалга оширилаётгани, давлат бошқарувини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни, ваколатлари кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда парламент ислохотларини кучайтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Шу жумладан, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар ваколатлари янада кенгайди, улар профессионал асосда фаолият юритиши, ўз фикри, позициясини билдириши ҳамда ҳимоя қилиши учун етарли имкониятга эга бўлди.

Шунга қарамай, парламентдаги фракциялар, қолаверса, депутатларда талабчанлик, фаоллик етишмапти. Президентимизнинг маърузаларида бу масала ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинди, парламент олдида турган ўта муҳим вазифалар кўрсатиб берилди. Мамлакатимизда парламент ислохотларини кенгайтириш бўйича қўйилган натижа ижобий бўлади.

Ҳеч қачон парламент аъзоси, халқ вакили эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Зиммамизда мамлакат миқёсидаги масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш, қонунлар сифатини ошириш, халқ ишончини оқлашдек улкан масъулият турибди. Шунинг учун фракцияимизнинг ҳар бир



Сенатор ШОТЎЛДАНОВ олдидан сўзлаётган.

пишиқ ва пухта тайёрлаш, уларни ҳаётга татбиқ этишининг ишончли механизмининг яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида электротар манфаатларини ифодалаш йўналишларида камчиликлар яққол кўзга ташланаётгани қайд этилди. Қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсирини ошириш, уларнинг ижтимоий муносабатларини бевосита тартибга солишдаги ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланди.

Рустам КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз маърузаларида парламент олдида турган энг муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилиш асосий масала экани алоҳида қайд этилди. Ҳар биримиз бу масаланинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини низоҳатда чуқур тушуниб олишимиз зарур бўлади.

Чунки бугун биз, депутатлар сайловчиларнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб бериш учун фақат тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан чекланмаслигимиз керак. Амалдаги қонунларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, таъсирини мунтазам ўрганиб, уларнинг аҳоли манфаатларига уйғунлигини таҳлил этиб бориш талаб этилади. Бунинг учун депутат кўпроқ халқнинг ичидан юриши, парламент назоратини изчил олиб бориши зарур, деб ўйлайман. Иш шу тартибда изчил йўлга қўйилсагина натижа ижобий бўлади.

Ҳеч қачон парламент аъзоси, халқ вакили эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Зиммамизда мамлакат миқёсидаги масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш, қонунлар сифатини ошириш, халқ ишончини оқлашдек улкан масъулият турибди. Шунинг учун фракцияимизнинг ҳар бир

Бугун биз, депутатлар сайловчиларнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб бериш учун фақат тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан чекланмаслигимиз керак.

Саттор РАХМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Депутатлар ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида ўзи сайланган ҳудудга бориб, у ердаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Бу тақлифни сайловчилар ҳам фаол қўллаб-қувватлаётди.

Очиги, сайловчилар билан бир йилда икки-уч марта, қисқа муддатли учрашувлар ўтказиб қайтардик. Учрашувларда аҳоли прокуратура турли муаммолар айтилиб, уларни бартараф этишга доир тақлифлар ўртага ташланарди. Лекин бир нарсани тан олишимиз керак, сайловчилар кўтарган масалаларнинг илдиригига етиб бориш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этишда айрим ҳолларда улғура олганмасдик, айрим ҳолларда эса бизга фидойилик, қатъий етишмасдик.

Парламентда, оддий тилда айтганда, хонада ўтириб, туман ва шаҳарларнинг ҳақиқий ҳолатини билмасдан муаммони ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун ўша ҳудуд аҳолиси билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлиш керак. Бу тажриба тўғри ва аниқ хулосага келиш, масалага адолатли муносабат билдириш, энг асосийси, сайловчилар оғирини енгил қилишга кенг йўл очади. Яна бир муҳим томони, шу орқали ижроия ҳокимият органларининг масъулияти ошади, ишга ёндашуви ўзгаради.

Аксавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Одамларнинг турмуш фаровонлиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аввало, қонун устуворлиги билан белгиланади. Биз бугун юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, албатта, қонунларимиз сифатини ошириш билан бирга, уларнинг жойлардаги ижросига ҳам жиддий эътибор беришимиз керак. Бу — замон талаби.

Президентимиз парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳолини ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокама-сига қиритиш тартибини жорий этиш бўйича жуда долзарб тақлиф берди. Бу борада доимий ишлайдиган механизм яратилиши қонунлар ҳаётга самарали татбиқ этилиши, адолат таъминлиги устуворлиги таъминлишига хизмат қилади.

Маҳаллий Кенгашларда изчил муҳокама ўтказиш тизими жорий этилса, бундай йиғилишга депутатлар ҳам, ҳокимлар ҳам жиддий тайёргарлик қўради. Депутат сессияда қўйилган масалага тақлиф тайёрлаш учун ўша ҳудуд одамлари билан суҳбатлашадиган, муаммоларни ўрганадиган. Ҳоким, прокуратура ва

ички ишлар органи раҳбарлари эса эртага ҳисоб беришини ўйлаб, мушоҳада билан иш юритади, масъулиятни чуқур ҳис қилади. Шу тариқа муаммоларни ечиш бўйича аниқ механизм ишга тушади. Фуқароларнинг давлат ва жамиятга ишончи мустаҳкамланиши, инсон манфаатлари ҳимоя қилинишида бу муҳим аҳамиятга эга.

Собитхон ТУРҒУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Албатта, олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — парламент назоратини кучайтириш ҳисобланади. Кўшма мажлисда ҳам депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усуллари татбиқ қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Парламент назорати самарадорлигини таъминлашда асосий масъулият сиёсий партиялар фракциялари зиммасига тушади, деб ўйлайман. Чунки ҳар бир сиёсий партия фракциясидаги депутатлар ўз сайловчиларини ўйлантираётган муаммо ва масалаларни чуқур тушунадиган, асосланган тақлифлар бера олади. Парламент назорати кучайиши қонунларни ҳаётга тўла-тўқис жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг вақтида, самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилади. Жойларда ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиш, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини кузатиб бориш, қонунчилик ташаббуслари сифатини ошириш имконини беради. Шундай экан, бугун ҳар бир депутат зиммасидаги масъулиятни чуқур англаш, ўз ишини мутлақо янгича асосда, замонавий усулларида ташкил этиши зарур.

Парламент назоратини самарали олиб бориш учун партияимиз бошланғич ташкилотлари, маҳаллий кенгашлар ва партия гуруҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишимиз керак. Шу орқали қонун ҳужжатларининг жойларда қандай бажарилаётганини ўрганиш, одамлар қандай муаммоларга дуч келаётгани, қайси қонунларга эҳтиёж борлиги ҳақида тақлиф ва тавсиялар олиш имкони ортади.

2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтириш, мурожаатларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этиш, бу борада имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасига тақлифлар тақдим этишга келишиб олинди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакатимизда миллий маданиятимиз, санъатимиз ва оммавий ахборот воситаларини рағбатлантириш, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари руҳлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ХАЛҚ АРДОҒИДА ЯШАШ — УЛУҒ БАХТ

Ҳар йили мазкур соҳалар ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланаётгани, халқаро ва мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловлар ғолибига айланаётгани бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

2016 йил 23 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонида кўра, Ўзбекистон миллий телерадиокорпорациясидаги кўп йиллик самарали ижодий фаолияти, дикторлик санъатини ривожлантириш, халқимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, энг авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Галина Мельниковага «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони берилди.

Галина Мельникова табрикланган мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар, олий ўқув юрларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар жам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Г. Мельниковага «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони бериш тўғрисида» фармони билан Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Арипов Галина Мельниковага Ўзбекистон Республикаси халқ артисти фахрий унвони нишони ва гувоҳномасини тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамағармаси марказий кенгаши раиси Ш.Усмонов, Республика Байналмилал маданият маркази директори ўринбасари С.Миронов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, суҳандон Д.Умарова ва бошқалар мамлакатимизда инсон ва унинг меҳнати эъзозланиб, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, эзгу эзуларини рўйбга қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида элу юрт равангаи йўлида фидойилик кўрсатган фахрийларни қадрлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш каби азаллий удулларимиз янгича мазмун билан бойиди.

Галина Мельникова — олий тоифали суҳандон, тевеленденеда 1956 йил 26 декабрдан бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Кўп йиллар давомида «Ахборот» инфорацион дастурида суҳандонлик қилган, турли тантанали маросимларни олиб борган.

Ижодкорнинг олтинчи йиллик умри «зангори экран»даги фаолияти билан боғлиқ. У «Дўстлик», «Фидокорона хизматлари учун» орденлари соҳибаси, Халқаро «Олтин қалам» мукофоти совриндори.

Табарруқ ёшда яқинларинг эъзозиди юриш бир неъмат бўлса, давлатимизнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш янада улкан бахт, — дейди Галина Мельникова. — Бундай эътибор ва эъзоз учун Президентимиздан низоҳатда миннатдорим. Биз, фахрийлар доимо халқимизга, давлатимизга кераклигимизни ҳис қилиб, бошимиз осмонга етди. Тинч-осойишта, фаровон ўлаётган ҳар бир кунимизга шукроналар айтаман. Ёшларга ўтмиш хотираларини, ҳаёт тажрибам ҳақида сўзлаб, бугунги дориларим кунларинг қадрига етиш, давлатимиз томонидан яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш лозимлигини уқтираман. Бизга эҳтиром кўрсатган инсонларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайман. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка кўз тегмасин.

Санъаткорларнинг концерт дастури йиғилганларга хушнудлик бағишлади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Зангиота туманидаги Озбек-овқат касб-хунар коллежиди «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда депутатлар, партия фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этди.

Президентимизнинг Конституция-миз кўнига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳияти, келгуси йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши аҳамияти хусусида ёшлар, маҳалла фаоллари ўз фикрлари, тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

— Давлатимиз раҳбари одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш,

билан мунтазам алоқадаман. Уларни қизиқтираётган масалалар, ўйлантираётган муаммоларга биргаликда ечим топишга ҳаракат қиламиз. Масалан, маҳалламизда уйда ўтирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи жуда долзарб. Чунки ҳудудимизда ишлаб чиқарувчи қорхона фаолият кўрсатмайди. Аёлларда узоқ жойларга қатнаб ишлаш имконияти йўқ. Шу масалада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатига мурожаат қилдим. Шунингдек, маҳалламизда мактабгача таълим муассасаси, дорихона фаолияти йўлга қўйилса, аҳолига анча қулайлик яратилган бўларди.

— Кейинги йил коллежни тамомлайман, — дейди **Озбек-овқат касб-хунар коллежи ўқувчиси Фотима Тоштемурова**. — Мустақил иш бошлашни ният қилганман. Акам тикувчилик цехи очиб, маҳалладошларим, хотин-қизларни иш билан таъминлаганида уларга жуда ҳавасим келган. Юртимизда ёшлар учун катта имкониятлар бор. Улардан самарали фойдаланган ҳолда, Ватанимга, оиламга нафи тегадиган ишлар қилиш орсусиданман.

— Кўп йиллардан бери партияимиз ҳудудий кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари электротар манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва ҳал

этишда муҳим восита бўлиб келмоқда, — дейди **Ўзбекистон ХДП Зангиота туман кенгаши раиси Мохир Акрамова**. — Бу тизимни мунтазам тақомиллаштириб боришимиз зарур. Маҳаллий Кенгаш депутатлари, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашимиз талаб этилади. Ҳар бир партия ташкилоти Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини тубдан қайта қўриб қиқиши, электротар билан ишлашининг янги механизмларини шакллантиришга эътибор қаратиши керак, деб ўйлайман.

Жамоатчилик қабулхонамизга жорий йилда 68 мурожаат келиб тушди. Таҳлил қилинганида, уларнинг кўп қисми коммунал соҳага оид экани аниқланди. Қолганлари иш билан таъминлаш, моддий ёрдам, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида олиш,

соғлиқни сақлаш ва кредит масалаларида бўлди. Ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Янги йилдан ҳар бир бошланғич ташкилотда Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этишни режалаштирганмиз. Шунда одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бормамиз, электротарни ўйлантираётган масалаларни самарали ҳал этишга кўмаклашамиз.

Мулоқот давомида **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳроҳ Дархонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев** иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САХОВАТЛИ ЗАМИН
НЕЪМАТЛАРИ■ Президент соврини — янги русумдаги «Нексия» машинасининг калити
ғолиб чавандоз — чироқчилик Элмурод полвон Бўриевга топширилди.ҲАЛОЛ МЕҲНАТ —
ҚУТ-БАРАКА, ТҮЙУ ТАНТАНА

Қашқадарё вилоят меҳнат аҳлининг Ҳосил байрамидан репортаж



Сайилгоҳнинг баланд тепасида туриб, воҳа меҳнат аҳлининг айрим ютуқлари, мўлжалдаги ишларини бир-бир мулоҳаза қилар эканман, «Ҳосил тўйи учун нега Чироқчи тумани танланди?», деган саволга жавоб излайман. Шу онда нуроний бир ота-хоннинг гапини эсладим: «Ёзинг, отим Боймиро, фамилияни Қўлдошев. Чиял қишлоғиданман. Узоқ йиллар тракторчилик қилдим, дон экдим, мол боқдим, ўғил-қизини элга қўшдим. Ёшим Чироқчи билан тенг. Меҳмонга боринг, ҳўпми?!»

Билсан, бобо 90 ёшда экан, Чироқчи тумани ҳам бу йил худди шу санани нишонлар экан. Қир-адирларга сочилган қишлоқларда яшаётган бу элнинг бошидан қўп оғир кўнлар ўтди. Агар лалми галласи ёмғир ёғмай қурса, ўзи ҳам ўртанди. Аммо удумни бузмади, тоғанини меҳмон олдиға қўйди, бир бурда нонини аямасди. Мустақиллик йилларида бу ерда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, кейинги уч йилда туман қаддини тик қўтарди. Чироқчи шаҳри марказида болалар истироҳат боғи, деҳқон бозори бутунлай бошқатдан қўрилди. Чироқчи шаҳрининг бош режаси тайёрланди. Айниқса, асосий тирикчилик манбаи бўлган қишлоқ ҳўжалиғида катта натижаларга эришилди. **Ғалла топшириш шартномаси 150 фоиз қилиб адо этилди. Кейинги 12 йил ичида биринчи марта пахта сотиш режаси урдаланди! Ҳисоблашса, 5,1 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишди. Мўлжаллари бўйича келгуси йилда экспорт ҳажми яна 3-4 баравар ошаркан. Тадбиркорлар Хитой давлатига бориб, 5 миллион долларга тенг шартнома тузишди, ҳадемай, зарур технология усуналар кела бошлайди. Мана сизга бургут қўшдек қанотларини кенг ёзаётган Чироқчи!..**

Улкан сайилгоҳ чироқчиликларнинг меҳмонга ҳамиша очик саховатли қўчига ўқшайди. Кайвонилар гурас-гурас келаётган одамларнинг ҳисобиға етиб-етолмай, охири 100 мингдан ошик экан, дейишди. Қарангки, воҳа тарихида бунча киши йиғилган тадбир ўтмаганди. Аммо меҳмонлар роса қўйил қолдиришди. Меҳмонлар учун тикланадиган ўтов ва чодирларнинг жойини белгилашди. Ўзлари ҳам қир-адирлар бағрида 59 чодир тикиб, қозон ошиди. Барча туман, жумладан, Чироқчи тумани ташкилот, муассаса, қороналари эрталаб соат 8 дан бошлаб элга ош беришди, дастурхонга ноз-неъмат қўйишди.

Бугун катта тўйға яна бир тўй қўшилган, — дейди биз билан қўришаркан алп қоматли, туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси вазифасини бажаряётган партия ташкили Шоназар Жовлиев. — Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила-ларнинг фарзандларидан, шу жумладан, 19-маҳсул мактаб-интернатнинг ўқувчиларидан 63 нафар боланинг суннат тўйини ҳам ўтказаялмиш. Тўй болалар кенг даладарда ўйнаб ярайшяпти. Биз ҳам қувонаялмиш...

МУЛОҚОТ ВА
МАШВАРАТ

Ёмғир қўчайиб бораётган эди. Ус-тимдаги қуртқа жикқа ҳўл бўлди. Бирок одам қўпайса, қўпаярдики, асло қамаймасди, гурас-гурас қилиб сайилгоҳ майдониға эниб келишарди. Минглаб, юз минглаб ҳамюртларимизнинг қалбидидаги ниятларини укаман: «Тинч-тотув юртға тўй ярашди, ҳамиша омонликда қўришиб юрайлик!..»

Катта тепа бошида йирик ҳарфлар билан «2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», деб ёзилган стөнд барчага баралла қўриниб турарди. Шу жойдан қир-адирлар бағридаги катта-кичик

тўйхоналар, чодирлар, ўйинлар бошланган майдонларға сочилган томошабинлар ҳўзурига энаман. Шаррос қўя бошлаган ёмғирдан ёзув дафтари одамларнинг тўнлари, момоларимизнинг рўмоллар пақасига тутиб, дил сўзларини ёзиб олишға ури-наман, ҳаяжонда чўнтагимдаги диқ-тофонни ишға солишни унутаман. Улкан издиҳом ичидаги бетакрор, жўшқин, қудратини қўз-қўз қилаётган буюқ ҳаёт жилваси мени ўзига мафтўн қилиб қўяди. Ана, ҳали гўдақ ўғил-часини елкасига қўтарган барваста йигит қўраш майдони сари одимла-япти. Ана, ёмғир томчилари соқоли-дан оқиб тушаётган юзи қўрқам бобо издиҳомға қўлимсираб қараб туриб-ди. Ана, яқинда чимилдиқ қўрган келинчақ ёнидаги умр йўлдоши билан ширин гурунглашиб, санъаткорлар қўшиқ айтаётган улкан саҳна томон ўтиб кетишди. Ана, ана!..

— Мўҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг гапларини телеэкрандан қўриб-ёшитиб, қўнғилмиға ҳадемай тўшди, — дейди қўрашни томоша қи-лаётган 65 ёшли Норқожа Эгамназаров. — Қаердан дейсизми? Ёнимдаги дўстим Шавқидин билан ҳўжалиқда ишладик, дон етиштирдик, мол боқ-дик. Ўғил-қизлар тиниб кетган. Раҳба-римиз «Халқнинг қўнғилға қўлоқ сол!» деганларида, роса севидик. Бизға нима керак? Аввало, тинчлик! Ўғил-қизларимизнинг бахтини қўрайлик. Қишлоқлар овод, ёшлар ишли бўлсин, ҳар томонға оғиб кетмасин. Ота-она боласи учун жавобгар, деганлари ҳам маъқул гап. Етим-есир ўқимасин. Дала-ларимиз донға тўлсин. Яна нима дей? Элга шундай катта тўй қилиб бе-раётганларға минг раҳмат!..

— Мен қўраш тушгани келганман, — дейди устиға шўнға мос кийим кий-ган Шаҳодат Субхонава. — Раҳмат давлатимизға, Ҳўмо қишлоғида 1-спорт мактабини ишға тушириб беришди, шу жойда дзюдо бўйича мураббий-ман. Турмуш ўртоғим футболчи, оила-мизда спортға иштиёқ баланд. Қи-шлогимизда шароит яратилган, спорт майдонимизда эрта тонгдан 100 дан ортиқ аёллар, қизлар югуришяпти. Ростини айтсам, Бразилияда ўтган Олимпия ўйинларида юртимиз бай-роғини баланд қўтарган, маҳоратини намойиш қилган спортчиларимиз би-лан роса фахрландик. Насиб этса, менинг шогирдларим орасидан ҳам мухир спортчилар етишиб чиқади. Юринг, қандай қўрашаётганимни то-моша қиласиз!..

Унга омад тилаб, чодирлар, ўтов-лар сари йўл оламан. Бағрида қўла-қонлар мавж ураётган, йирик қор-хона-лар доврқ солаётган Муборак ва Ҳўзур туманлари деҳқонлари, қорва-дорлари ҳўсил тўйига яхши ютуқлар билан келишди. Узоқдан Миришкор, Қосон туманлари чодирлари қўзға таш-ланади. Катта бунёдкорликлар давом этаётган Шаҳрисабз тумани, Қарши шаҳри одамлари тиккан чодирлар ҳам ниҳоятда гавжум. Илгари фақат лалми ерга термилган, эндиликда темир йўл ва йирик қалинли ўғитлар заводи қў-либ, тараққийёт йўлиға тушиб олаётган Деҳқонбод тумани алоҳида ўтов ти-киб, полвонлари, халқ баҳшилари би-лан тўйда қатнашаётган экан. Қамашди тумани ҳўсил тўйига ҳам муносиб тўе-налар билан келибди.

Юриб-юриб, Китоб тумани чоди-риға етиб бордим. Кейинги йилларда туман пахтадан воз кечиб, боғдорчи-лик ва сабзавотчилик йўналишида ри-вожланмоқда. Маҳаллий хомашини қайта ишлаш саноати ривожланиб бо-раяпти. Ана йил ишламай ётган ип-йигирув фабрикаси қайта ҳижроланиб, хорижға қалава-ип экспорт қилаяпти. Ҳўсил тўйида қатнашаётган туман ҳўкимлигининг етакчи мутахассиси Бахтиёржон Каримовнинг айтишича, шу йил фақат қишлоқ ҳўжалик неъмат-ларининг экспорти 7 миллион доллар-дан ошибди. Ҳўзир туманда 50 минг тонна ноз-неъматни қайта ишлайди-ган 6 қорхона бор экан. Маҳсулот

саклайдиган 24 совутгич-омборхона қўрилибди.

Сал ўтиб, алоҳида чодир тиккан як-кабоғчилик билан сўхбатлашаман. Яққабоб тумани ғалла ва пахта режа-ларини ортиғи билан адо этди. Ёнг қўп пахта толасини қайта ишлайдиган қор-хоналар ҳам шу туманда. Бу йил йирик қўватли мевани қайта ишлайдиган МЧЖ ишға тушди. «Қумаш қўз файзи» паррандачилик ҳўжалиғи қўшин Афғо-нистонға 150 минг долларлик тўхум ет-казиб берди. «Жами экспортимиз 9 миллион долларға яқин. Боғлар, мева-зорлар қўпаймоқда. Имкониётларимиз етарли, фақат ишлашимиз керак», дей-ди Яққабоб туман ҳўкимининг иқтисо-дий-иқтисомий масалалар бўйича ўрин-босари Бойназар Давуров.

Менга энг чекка туман — Нишон-нинг рамзий дарвозаси жуда ёқди. Унинг икки четига мева-сабзавотлар сурати туширилган — бу пахта ва ғал-ладан бошқа тармоқлар ҳам ривожла-нади, дегани. Ростини айтсам, туман ерларининг умумдорлиғи қасайиб кетган эди. Бугун ҳўкуматимиз томонидан туманда 1040 лойиҳани амалға ошириш юзаси-дан алоҳида қарор қабул қилинди. Уларнинг қўлами кенг ва турли соҳа-ларға дахлдор. Биргина мелiorацияға эътибор туғайли 6 минг гектардан зиёд ернинг ҳолати яхшиланди. Шу пайтга-ча 51 минг гектардан қўпроқ ерда асо-сан пахта ва ғалла етиштириб келин-ган бўлса, эндиликда 500 гектар ерга



сабзавот ва озуқа экинлари экилади. Туманда балиқчилик яхши ривожлан-ган. Келгусида қайта ишлаш қорхона-лари барпо этилади. «Хали ишчимиз яна ривож топади», дейди ишон билан фермер Ойбек Нормулинов.

— Халқимиз яйраб байрам қила-япти, — дейди шодлигини яширмай «Нуроний» жамғармаси Касби туман бўлими раиси, партияимиз фаоли Чўли Жўраев. — Бундай қўтлў қўнларға эш бўлиш лозим. Туманимизда ри-вожланиш, олдинда силжиш қўзға ташланапти. Қўллашиб дам олиш ва истироҳат бегоимизни қайтадан бунёд қилдик. Деҳқонларимиз ғаллачилик-да яхши натижаға эришилди, 70 минг тонна пахта сотиб, виллоятда энг юқори қўрсаткичға эришдик. Булар-нинг бари нимадан? Аҳилликдан, қуч-имкониётларни юзаға чиқаришдан!..

ЎЛМАС РУХ ВА
КАДРИЯТЛАР

Халқ сайилгоҳи — улкан, очик саҳ-на. Бу саҳнада санъати, ҳўнарини қўрсатишға ҳамма ҳам қодир бўлол-майд. Лекин шу қўни майдонға бел боғлаб чиққанлар маҳорат синовидан муваффақият билан ўтишди.

Омон ёр айттайли-я, омон ёр, Белингини боғласангчи-я, омон ёр. Шундай қўтлў замонда-я, омон ёр, Очилиб ўйнасангчи-я, омон ёр!..

Бу халқ қўшиғини «Чироқчи чироқ-лари» фольклор-этнографик ансамб-ли иштирокида яхшироқ ижро этганда, ҳамма бир бўлиб олқишладди. Етмиш олти ёшли Тошой момо Ҳайитова чан-қовузда қадимий қўнини қилиб бер-ганда, қўз ўнгимизда халқ ботила-ри, тулпорларини елдираётган чаван-дозлар, боласини эмизаётган оналар,

бўғдой бошогини қўтаролмай теб-ра-наётган ғаллазорлар қўрингандай бўлди. Халқ санъати ўлмайди, деган фикр ҳаёлдан ўтди.

Сайилгоҳда барча туманларнинг ҳаваскорлари қатори Тошкент ва Қар-шидан келган таниқли санъаткорлар ҳам қўшиқ қўйлашди...

— Ҳой, биродарлар, қадами қўтлў меҳмонлар! — дерди баланд овоз би-лан қўраш беллашувининг бош ҳаками Дилмурод Намозов. — Олиш ҳўлол бўла-ди, ғиромликка жой ҳам, зот ҳам йўк!..

— Ҳаай, овозингдан!.. — дейди завқи тошиб томошаға келган қўқси-да «Эл-юрт ҳўрмати» ордени чўғдек порлаб турган чироқчилик адиб Ҳўзи Раҳмон. У эринмай қишлоқ-шаҳар-ларни кезиб, қўтлў ишни бажарди, «Қашқадарё полвонлари тарихи», «Соҳибқирон юртининг полвонлари» китобларини чоп эттирди.

Гурурланиб жуда катта қўраш ғи-лами устидаги полвонларға қарайман. Чироқчилик Жаҳонгир Қўзиев рақиб-ини чироқчи усулда йикитиб, зотини олди. Ёнимда кексалар ўртасида мил-лий қўраш бўйича 3 марта жаҳон чем-пиони Абдурашид бобо Мирзаев ҳўзирги 75 ёшиға қарамай, қўллаб шо-гирд тайёрлаётганини тилға олади. Айни чоғда ўзи ташкил қилган спорт клубиға 100 дан ортиқ ёш қўрашчи қатнаётган экан... Ана, яна ҳўлол ғала-ба!.. Ҳўллас, катта совринни Ҳўзур ту-манидан келган қўраш бўйича жаҳон чемпиони Шерали Жўраев олди. Бу-хоро, Сўрхондарё, Самарқанд вилоят-лари, воҳанинг барча туманларидан келган полвонлар 500 нафардан қўпроқ экан. Махшўр полвонимиз Абдулла Тангиев ҳам сайилгоҳға кел-либди. Усуллар, қўраш мактаблари си-новдан ўтди. Ҳай, баракалла!..

Қўпқирасиз тўй-тўй бўладими, ахир? Биров минг, биров беш минг, дейди, ҳўллас тўрт-беш виллоят, воҳа-нинг барча ҳўудларидан сара отлар улўқ ўзишди. Ўзим отлар йиғилган экан, қорабайир, тўриқ, саман, тулпор... Алпомшининг афсонавий аргумоидан асло қилишмайди. Шу аснода Амир Темур бобомизнинг қўтлў 670 йиллик тўйига бағишлаб қиш ойда, қор бу-раб турган паллада Яққабоб туманида ўтказилган қўпқирасини эсладим. Сўхба-лашганимда, улўқ шoirимиз Абдулла

■ ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



Фарук АЛИЕВ олган сурат.

ИЛМ ЙЎЛИ

Бутун умрини физика-математика фани ривожига бағиш-лаган профессор Ғанижон Икромовнинг илмий тадқиқотлари кенг жамоатчилик томонидан тан олинган, эътироф этилган.

Инсон умри қандай ишларни амалға оширган, жамиятға, Вата-ниға келтирган фойдаси, тарбияла-ган шогирдлари, ёзган китоблари, қилган яхшиликлари билан ўлчана-ди. Шу маънода, илм ўрганиш ва уни бошқаларға ўргатиш таниқли олим Ғанижон Икромовнинг умр мазмуниға айланди. Ўз касбига са-доқат билан қилинган меҳнат сама-расини бериб, домла эл-юрт ўрта-сида катта ҳўрмат қозонди.

Бундан олтимши уч йил муқаддам Жиззахдаги мактабни тамомлаган Ғанижон Икромов Самарқанд дав-лат университетининг физика-мате-матика факультетиға ўқишға кирди. Талабалик йилларида у ўзининг ти-ришқоқлиғи, ташаббускорлиғи билан устозларининг эътиборини қозонди. Ўқшани имтиёзли диплом билан ту-галлаган бўлгуси олим йўлланма би-лан Ўзбекистон Фанлар академия-сининг Ядро физикаси институтиға ишға юборилди.

Ғанижон Икромовнинг ярим асрдан қўпроқ вақт давомида олиб борган илмий ишлари бутунги кунда 2 ихтиро, 4 монография, 250 дан ортиқ илмий мақоаларда ўз аксини топган.

Махшўр институтда у катта ла-борант, муҳандис, катта илмий хо-дим вазифаларида ишлади ва ном-зодлик диссертациясини ёқлади. Ғанижон Икромов салкам чорак аср давомида Самарқанд педагогика институтида кафедра мудири, ўқув ишлари бўйича проректор, ректор-лик лавозимларида фаолият қўрсатди.

Шу билан бирга, олим устозлари — академиклар Гурий Петровский, Шавкат Воҳидовлар илмий раҳбар-лигида ишларини олиб борди. Ай-ниқса, академик Шавкат Воҳидов Ғанижон Икромовнинг илмий сало-ҳиятиға юқори баҳо бериб, уни қўллаб-қувватлади. Ана шулар нати-жасида республикамиздаги бир қатор илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий-тектириш лабораторияси ташкил этилди ва олим бу ерда шогирдлари — Иза-тулла Нуриддинов, Искандар Исаев, Абдулла Абдуллаев, Маннон Ваҳобов, Амриддин Салоҳиддиновлар билан биргаликда оптик ишларларда

термоядерацион ҳодисаларни тек-шириш мавзусида илмий-тадқиқотлар олиб борди.

Узоқ йиллик машаққатли меҳ-нат натижасида Ғанижон Икромов раҳбарлигида Санкт-Петербургда-ги давлат Оптика институти ва Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти билан ҳамкорликда қаттиқ жисмлар ра-диацион физикаси соҳасидаги кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилди ва замонавий воси-талар билан жиҳозланган «Термо-рад» ва «Стандарт» илмий-тадқи-қот лабораториялари ташкил этил-ди. Бу лабораториялар қаттиқ жисмларда термоядерацион жара-ёнларни тадқиқ қилиш борасида алоҳида аҳамият касб этди. Ўтказил-ган тадқиқотлар самараси сифати-да Ғанижон Икромов раҳбарлигида қаттиқ жисмлар радиацион физи-каси соҳасида яратилган илмий мактабдан фан докторлари ва ном-зодлари етишиб чиқди.

Ғанижон Икромов қаттиқ жисм-лар радиацион физикаси, нур ўтка-зувчи оптик толалар физикаси, маг-нит ҳодисалариға бағишлаб ўтка-зилган қўллаб халқаро ва минтақа-вий илмий конференцияларда иш-тирок этиш билан бирга, ана шу мавзуларға бағишлаб Самарқандда ўтказилган халқаро анжуманға ҳам-раислик қилди ва унинг шогирдла-ри томонидан олиб борилаётган ил-мий-тадқиқотлар анжуман иштирок-чилари томонидан юксак баҳолан-ди.

Олим томонидан олиб борилган изланишлар космосни ўзлаштириш соҳасиға улкан ҳисса бўлиб қўшил-ди. Ерда ҳудда маҳсул космик ша-роитда олинган оптик ишларнинг радиацион ҳоссалари фарқи экан-лиғи, айниқса, космик шароитда иш-лов берилган ишларлар ҳоссалари ерда термоядерацион шароитда олинган ишларнинг ҳоссалариға ўхшаб эканлигининг исботланиши ўз вақтида илмий жамоатчиликни ҳай-ратлантирган эди.

Ғанижон Икромовнинг ярим аср-дан қўпроқ вақт давомида олиб бор-ган илмий ишлари бутунги кунда 2 ихтиро, 4 монография, 250 дан ортиқ илмий мақоаларда ўз аксини топ-ган.

Донолар айтганидек, илм йўли игна билан қудўқ қазишдай риёзат-ға тенг ва унга умрини бағишлаган инсон бахт-саодат топади, қо-милликка эришади. Бунини Ғанижон Икромов ҳаёт йўли мисолида ҳам қўриш мумкин.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидаги компьютер қўрилмаларини сотиб олиш учун танлов эълон қилади:

1 дон сервер-компьютери — Intel 6800K 3.8 ГГц (Turbo) / M/B ASUS X99 micro-ATX with USB 3.1 on board / Crucial 16GB DDR4 (2400 MHz, PC4-19200) / HDD 1 TB SATAIII, SSD 480 GB / ASUS (BOX) DVD-RW SATAII / Комплект Keyboard-Mouse optical USB 2.0 / Lan 10/100/1000Mbps on board / Power supply 700 W / Монитор 21.5" LED;
Принтер: 4 дон — 1/3 Canon i-sensys MF4018, 4 дон — Canon MF211;
2 дон — switch; 20 дон — картридж; 20 дон — USB флешка; 1 дондан — USB Hard ва USB DVD-ROM; Локал тармоқларни ўлаш учун — UTP коннектор ва кримпер (обжимный) қўрилмаси.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз тақлифлари ҳамда ҳўжжатларини 2017 йилнинг 2 январига қадар қуйидаги манзилға тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ўз биносидаги хона-ларини жорий таъмирлаш учун танлов эълон қилади.
Махшўр танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз тақлифлари ҳамда ҳўжжатларини 2017 йилнинг 2 январига қадар қуйидаги манзилға тақдим этиши мумкин.
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони қўчаси, 5/3-уй.
Телефон: (0-371) 239-18-49; 239-83-12; 239-15-74.

РЕКЛАМА ВА ТАБРИКЛАР

■ Байрамингиз муборак бўлсин!

■ ДИҚҚАТ, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ КУНЛАРИ!

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

«Ёнгин хавфсизлиги кунлари» доирасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, заводнинг ёнгинга қарши ҳолатини яхшилаш, энерго ресурслардан хавфсиз ва оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур корхонада яқинда бўлиб ўтган семинар ёнгинларнинг олдини олиш ва бу борада ишчи-хизматчиларнинг тайёргарлиги масалаларига бағишланди. Дастлаб тадбир қатнашчиларига ишлаб чиқариш билан боғлиқ хавфсиз ҳодиса ва шикастланишларнинг

олдини олиш юзасидан тегишли тушунчалар берилди. Айниқса, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида тайёрланган видеолавҳа қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, заводнинг асосий ишлаб чиқариш цехига

қарашли 32-технологик қурилма-сида кўргазмали ёнгин ўчириш амалий тактик машғулотли ўтказилди. Унда подполковник А.Турдиевнинг ёнгин ўчириш воситаларини бошқариш ҳамда ёнгин ўчириш амалий тактик машғулотлар ечими бўйича кўргазмали чиқиши иш-тирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Абдурахмон РАШИДОВ,
Бухоро нефтни қайта
ишлаш заводи
УК ходимлар бўйича
муҳандиси.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2017 йил 26 январь кунини бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очиқ аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Яқкасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 8-уйда жойлашган «Raxta trans servis» МЧЖ балансидаги 2005 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01/439SBA, бошлангич нархи 32 000 000 сўм бўлган «Нексия»; 2007 й. и/ч, д/р 01/939HAA, бошлангич нархи 28 000 000 сўм бўлган «Нексия»; 2007 й. и/ч, д/р 01/443SBA, бошлангич нархи 37 000 000 сўм бўлган «Нексия»; 2009 й. и/ч, д/р 01/052MEA, бошлангич нархи 60 000 000 сўм бўлган «Sonata»; 2009 й. и/ч, д/р 01/762AEA, бошлангич нархи 22 500 000 сўм бўлган «Matiz»; 2009 й. и/ч, д/р 01/087MEA, бошлангич нархи 24 000 000 сўм бўлган «Matiz» русумли; Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидаги 1994й. и/ч, д/р 01/941QDA, бошлангич нархи 8 068 000 сўм бўлган «Додж плумонти» русумли автотранспорт воситалари қўйлади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закат пули «Toshkent

universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортлар ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00 да бошланади ва кўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури кўчаси, 16-«а» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (0371) 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357



2016 йил 20 декабрда
«Moody's Investors Service»
халқаро рейтинг агентлиги
Акциядорлик-тижорат банки
«ASIA ALLIANCE BANK»нинг
узоқ муддатли омонат
рейтингларини В3дан В2га
кўтарди. Барча рейтинглар
истикболи «БАРҚАРОР».

Moody's

Хизматлар лицензияланган.

«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси
«Ўзпахтаёр» акциядорлик жамияти тизимидаги

«БЎСТОН ОЛАМИ»

масъулияти чекланган жамияти шаклидаги
қўшма корхонаси жамоаси

юртдошларимизни
ЯНГИ — 2017 ЙИЛ билан
табриклайди.

Дастурхонингиз тўқин,
ҳаётингиз янада фаровон
бўлсин!



Маҳсулотлар сертификатланган.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Бosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259

8835

nusxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 00:15

Topshirilgan vaqti — 01:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5 6